

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ БИОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

Тилакова Ширин Хақберди қизи
Навоий давлат педагогика институти
Биология кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада умумтаълим мактаблари биология дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш методикаси ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Калит сўзлар: ахборотни таҳлил қилиш, интерфаоллик, таққослаш, мустақил ишлаш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, таълим технологияси.

Аннотация: В статье описана методика организации самостоятельной работы учащихся на уроках биологии общеобразовательных школ.

Ключевые слова: информационный анализ, интерактивность, сравнение, самостоятельная работа, анализ проблемных ситуаций, образовательная технология.

Annotation: The article describes the methodology for organizing independent work of students in biology lessons of secondary schools.

Key words: information analysis, interactivity, comparison, independent work, analysis of problem situations, educational technology.

Таълимни ислоҳ қилиш билан бирга ўқув жараёнида шаклландиган янги педагогик муносабатлар ҳар бир ўқувчи шахсига индивидуал ёндашув, яъни таълим жараёнини табақалаштириш асосида ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологиясини қўллашни тақозо этади.

Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш ва ихтисослаштириш ўқувчиларда билим олишга қизиқишнинг пайдо бўлишига боғлиқ. Ўз навбатида билим олишга қизиқиш ҳам ўқувчиларда ўқув мотивациясининг шаклланиши билан бевосита боғлиқ. Ўқув мотивларига асосан ўқувчилар тўрт гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳда фақат ташқи салбий мотивлар устунлик қилади; ички ўқув–билиш мотивлар кузатилмайди. Иккинчи гуруҳда ташқи мотивлар асосий, ички ўқув–билиш мотивлари иккинчи ўринда туради. Учинчи гуруҳда ички мотивлар устунлик қилади, лекин ўқув–билиш фаолияти кучсиз ривожланган бўлади. Тўртинчи гуруҳда ички мотивлар устунлик қилади, билиш фаолияти фаол ривожланган бўлади. Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологиясини ўқув жараёнига тадбиқ қилиш йўллари америкалик психологлар Б.Блум ва Дж.Каролл тадқиқ қилишган. Улар билимларни тўлиқ ўзлаштириш

технологиясини, М.В.Кларин мазкур технологияни назарий томондан асослаб берган. Биология дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда ахборот ресурсларидан фойдаланиш уни методик тизимини ташкиллаштиришни талаб этади. Жумладан, биологияни ўқитишда ўқитувчи ўқувчиларнинг мустақил иш кўникмаларини ривожлантириш учун аввало ўқувчиларнинг дарсда мустақил ишлашлари учун ўқув топшириқларини тузиши, биологик объектлар, табиатдаги мавсумий ўзгаришларни ўрганиш мақсадида тажриба ва кузатиш ўтказиш юзасидан кўрсатмалар тайёрлаши зарур.

Ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мустақил таълими учун қўшимча адабиётлар ва мультимедиаларни танлаши лозим. Ўқувчиларнинг мустақил иш кўникмаларини ривожлантириш учун, таълим-тарбия жараёнида ривожлантирувчи таълим технологиясини қўллаш зарур. Ривожлантирувчи таълим технологиясининг асосий ғояси ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш саналади. Мазкур технологиянинг асосий хусусиятлари:

ўқувчиларни ўз билиш фаолиятини субъектига айлантириб, фикр юритиш механизминини шакллантиради, ривожлантиради.

ўқувчиларнинг билиш фаолияти эмперик ва назарий билиш яхлитлигида ташкил этилиб, ўқитиш жараёнида билимларни дедуктив усулда ўрганиш устувор бўлади;

ўқитиш жараёнининг асосини ўқувчиларнинг ўқув топшириқларини бажариш орқали вужудга келтириладиган мустақил фаолият ташкил этади;

ўқувчиларнинг ақлий ривожланишига замин тайёрлаб, бу жараёнда танқидий ва ижодий фикр юритишни шакллантириш устувор йўналиш саналади. Фикр юритишнинг бу икки типи бир-бирини тўлдирди ва тақозо этади.

Танқидий фикр юритиш шахснинг воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги муносабати ва фикринини вужудга келтириб, унинг таркибига қуйидагилар киради: таҳлилий фикр юритиш (ахборотни таҳлил қилиш, зарур фактларни танлаш, таққослаш, фактлар ва ҳодисаларни чоғиштириш). Ўқувчиларда таҳлилий фикр юритиш кўникмаларини шакллантириш учун биология ўқитувчиси ҳар бир дарсда аввал ўрганилаётган объектлар билан ўрганилган объект ўртасидаги боғланишларни аниқлайдиган топшириқларни бериши керак.

Ўқувчилар дарсликда берилган ўқув ахборотини таҳлил қилади, органлар системаси ҳақидаги фактларни танлайди, уларни аввалги объектлар билан таққослаб, хулоса чиқаради. Демак, дарё қичқичбақасининг ички тузилишини таҳлил қилиб, аввал ўрганилган оқ планария, ёмғир чувалчанги, сув шиллик қурти билан таққослаб ўрганади. Ўқув материалларининг бу тарзда ўрганилиши ўқувчиларда таҳлилий фикр юритиш кўникмаларининг таркиб топтиришга замин тайёрлайди.

• Мустақил фикр юритиш (муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, фаразларни илгари суриш, аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни янги вазиятларда қўллаб, янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш, ўз фикрини далиллаш).

Мустақил фикр юритиш шахс ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли биологияни ўқитишнинг барча шаклларида, ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ривожлантиришга аҳамият бериш зарур.

Мустақил фикр юритиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- Муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш.
- Фаразларни илгари суриш.
- Аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни янги вазиятларда қўллаб, янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш.

- Ўз фикрини далиллаш.

- Жавобнинг тўғрилигини текшириб кўриш.

Ўқувчиларда мустақил фикр юритишни ривожлантириш учун ўқитувчи ҳар бир мавзунини ўрганишда муаммоли вазиятларни вужудга келтириши ва ўқувчиларнинг билиш фаолиятини муаммоли вазиятларни ҳал қилишга йўллаши лозим.

- Мантиқий фикр юритиш (муаммони ҳал этишнинг ички ва ташқи мантиқини ҳисобга олган ҳолда мантиқан далиллаш, усулларнинг мантиқан кетма-кетлигини аниқлаш).

Мантиқий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- Муаммоли вазиятни англаш, уни ҳал этиш йўллари аниқлаш.

- Муаммони ҳал этишнинг ички ва ташқи мантиқини ҳисобга олган ҳолда мантиқан далиллаш.

- Муаммони ҳал этиш усулларининг мантиқан кетма-кетлигини аниқлаш.

- Ўз жавобларининг тўғрилигини далиллаш ва жавобнинг тўғрилигини текшириб кўриш.

- Тизимли фикр юритиш ўқувчиларнинг ўрганилаётган объектни қисмларга ажратиш, унинг яхлитлигини, ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва тавсифлаш кўникмаларини ривожлантиришга асосланади.

Ўқитувчи ўқувчиларда тизимли фикр юритишни ривожлантириш учун муайян мавзуларда ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиши ва тегишли ўқув топшириқларини тузиши лозим. Жумладан, «Хужайранинг тузилиши ва функцияси» мавзусида ўқувчиларга қуйидаги ўқув топшириқларини тавсия этиш мақсадга мувофиқ. Шундай қилиб, танқидий фикр юритиш таҳлилий, боғланишли, мустақил, мантиқий, тизимли фикр юритишни мужассамлаштириб улар ўртасида ички ва ташқи, муайян ва нисбий

боғланишлар мавжуд.

Биологияни ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолияти хусусиятлари, мустақиллик даражаси ҳисобга олинган ҳолда, янги ўқув материаллини мустақил ўрганиш йўлга қўйилади. Бу жараёнда маъруза, семинар, модулли дарс, конференция дарсларидан фойдаланилади.

Мазкур дарсда ўқувчилар ўқув материаллини мустақил ҳолда дарслик ва қўшимча адабиётлар ёрдамида ўрганадилар. Янги мавзунини ўрганишда улар томонидан тайёрланган маърузалар асосий ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. Ўқитувчи ушбу маърузаларнинг мазмунини дастур талабларига жавоб беришини назорат қилади.

Биологиядан ўқувчилар мустақил таълимини ташкил этиш ва самарадорлигини баҳолашда маълум мезонларга амал қилиш лозим. Ўқувчилар мустақил иши самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонини қуйидагилардан иборат:

– ўқув вазифаларини мустақил равишда, ташқи ёрдамсиз ташкилий-ахборот режасига мувофиқ тўлиқ таъминланиши;

– замонавий технологиялар ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш қобилияти;

– таҳлилий ва ижодий қобилиятларни етарли даражада ривожланиши, ўз фаолияти натижаларини тўғри ташҳислаш, баҳолаш, уларни тўғрилаш имконияти;

– зарур шахсий фазилатларнинг мавжудлиги (мақсадга мувофиқлиги, масъулияти, эҳтироснинг муайян улуши, диққат-эътибор, иштиёқ ва бошқалар).

Биология фанидан ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишда ахборот ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос усуллари мавжуд бўлиб, электрон таълим муҳитида ўз-ўзини ривожлантириш, фаолият натижаларини тўғри ташҳислаш, баҳолаш, уларни тўғрилаш имконини беради

Хулоса қилиб айтганда биология дарсларида ўқувчиларнинг мустақил топшириқларни амалда бажара олиши мустақил фикрлаши ва ижодий изланишига замин тайёрлайди .

Фойдаланилган адабиётлар.

1. J.O.Tolipova, A.T.G`ofurov *Biologiya o`qitish metodikasi (akademik litsey va kasb – hunar kolleji biologiya o`qituvchilari uchun metodik qo`llanma)* Toshkent. Bilim. -2016y
2. J.O.Tolipova, A.T.G`ofurov *Biologiya ta'limi texnologiyalari. Metodik qo`llanma «O`qituvchi»*, Toshkent. 2002y

3. Ибодова М.Н. Биологиядан ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш технологияси Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан”, 2019. – 678б.
4. Ibodova M.N. Pedagogical Conditions of Developing Self-Studying Skills with Textbook for Schoolchildren. // Eastern European Scientific Journal. – Germany, 2018. №2.– P. 295-297. (13.00.00, №1).
5. Ibodova M.N. Design of dramatized Game - Subject on Topic “Fight Against Harmful Insects” The advanced science open access journal. December 2012. – P. 47-49.
6. Ибодова М.Н. Развитие навыков решение задач по генетике у учащихся академических лицеев. // Актуальные проблемы современной науки. – Москва. 2012 г. № 6. – С. 82-84.